

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

Усмонов Н.Ў. Жиззах ДПИ

Илм инсон учун **биринчи** навбатда яхши яшаш, табиат билан тўғри муомала қилиш омили бўлса, **иккинчидан**, инсоний маданиятга, комилликка эришиш йўли ҳисобланган.

Биз истиқомат қилаётган минтақа азал-азалдан буюк алломалар маскани бўлиб келган. Жумладан, Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Румий, Улуғбек, Али Қушчи каби кўплаб буюк олим-мутафаккирлар яратган илмий мерос инсоният учун тараққиётда жуда илгарилашга имкон яратди. Бу борада биз учун ғоят зарур бўлган миллий истиқлол ғоясини ота – боболаримиз, буюк алломаларимиз тўплаган, бизга мерос қилиб қолдирган табиий ва гуманитар илм асослари замирида ўрганишнинг методологик имкониятлари етарли даражада ишлаб чиқарилмаган ва амалий тадқиқи ҳам ўз ниҳоясига етмаган. Миллий ғоямизнинг илмдаги вазифаларини чуқур англамаган киши эса ўз миллатининг ўтмиши ва ривожини моҳиятини ҳам етарли даражада англаб ололмайди.

Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Натурал фалсафани (умумий фанни) қадимги грек олимлари, хусусан Аристотель яратган дейлади. Ваҳоланки, Аристотелдан 3-4 аср аввал Хоразмда яратилган “Авесто” китобида диалектика асослари изоҳлаб берилган эди. Бу “Авесто” ни жаҳонда кейин ривожланиб кетган фалсафа соҳасидаги дастлабки асар барча фанларни бир жам ҳолатда баён этилган умуминсоний ғояларни ўзида мужассамлаган қомусий китоб дейишга асос бўла олади.

Сонлар назариясида буюк “”инқилоб” ясаган улуғ бобокалонимиз Муҳаммад ал-Хоразмийнинг умумматематикадан ажратиб олган “алгебра” си фан сифатида 50 дан ортиқ шоҳобчаларга бўлиниб ўрганилмоқда. Буларга - Мантиқ алгебриси, Абель, Дирехле, Гаусс, Гильберт, Жордано, Буль, Лейбниц, Мальцев, Фурье алгебралари ва хоказоларни келтириш мумкин.

“Алгебра” сўзи этимологик жиҳатдан “ал- Хоразмий” сўзининг лотинча талаффуз этилиши эканлиги ва у билан боғлиқ одам билан машина орасида жаҳонда 500 хилдан ортиқ сунъий тиллар (Алгал, Фортран, Ляпас, Паскаль, Си, Ал-Коший, Даламбер, Эйгр, Лейбниц, Непер, Пуамон ва ҳокозо) вужудга келганини эътироф этиш жоиз.

Шунингдек, Қуёш ва Ой тугилиши ҳодисаларини олдиндан башорат қилиш қонунияти ал-Хоразмий ва Улуғбек томонидан кашф этилган.

Имом Бухорий, ат-Термизий, Нақшбанд, Яссавий, Кубро, Марғиноний, Мотуридий, Амир Темур, Навоий каби буюк зотлар ижтимоёт, тасаввуф, ҳуқуқ, ватанпарварлик, инсонпарварлик соҳасида яратган асарлари ва тажрибалари таҳсинга сазовордир. Шу

сингари параллеллик назариясини аслида Умар Хайём XI асрда исботлагани, лекин бу теоремани ҳозиргача ҳам, “Саккери теоремаси” номи билан ноевклид геометрияга киритилиб келинаётгани, “Ўлчовсиз миқдорларнинг нисбати – сон тушунчаси” ни Насриддин Тусий, XIII асрда Исаак Ньютон қайта такрорлагани каби кўплаб маълумотларни тарғиб қилишга муҳтожлик бор.

Шу муносабат билан ушбу ишда айтмоқчи бўлган фикримиз, миллий илмий ғояларимизнинг жаҳон миқёсида муҳим вазифалардан бири - ўзбек халқининг ва шу билан бирга улар билан ижод қилган яқин ҳамюртларимиз буюк фарзандлари – алломаларнинг, ҳозир ижод қилаётган машҳур олимларимизнинг жаҳон фанига қўшган ва қўшаётган ҳиссаларини кенг равишда таништириш ҳамда тарғиб қилиш педагогик технологияларни такомиллаштиришни илмий-назарий асосда амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигига эътиборни қаратиш эди. Бу эса илм-фанимиз билан боғлиқ миллий ғоямизни назарий жиҳатдан янада такомиллаштиришни тақозо этади. Чунки миллатимизга хизмат қиладиган ҳар қандай ғоя, миллий ғоядир.

Эътибор бериб қаралса, узлуксиз таълим тизимимизнинг барча поғоналаридаги ўқув дарсликларида Архимед қонуни, Пифагор теоремаси, Ньютон аксиомаси ва қонунлари, Даламбер принципи, Лагранж методи, Бернулли интеграллари, Резерфорд формуласи, Лоренц назарияси, Менделеев системаси, Кантерович системаси, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, Гиббс назарияси, Шмидт гипотезаси, Дирак тамойили, Понтрягин усули, Лиувилль тенгламаси, Карно цикли, Гейзенберг модели, шунингдек, Ришков Гельдор, Вейс, Море, Рябенский, Шоке, Хеллингер, Аренс, Штурм, Банех, Делоне, Фриз, Нейман каби олимларнинг ишлари ўргатилади. Бизнингча юқоридаги номларни рад қилмаган ҳолда дарсликларга ал-Хоразмийнинг сонлар назариясидаги таълимоти ва тенгламаларни ечишдаги алгоритми, ал-Фарғоний теоремаси, Форобий методи, Беруний тенгламаси, Ибн Сино қонуни, Улуғбек формуласи каби тушунчаларни киритиш ортиқчалик қилмайди.

Жаҳон илмий китобларида (тарихий асарлар бундан мустасно) “Улуғбекнинг “Ойдаги тоғи” “ал-Фарғоний проекция назарияси”, “Ҳ.А. Раматуллин тўлқини” каби атамалар кўп ишлатилади. Шу маънода бизда “Т.А. Саримсоқов алгебраси”, “Х.М. Абдуллаев магма гипотезаси”, “М.Т. Ўрозбоев гидроэластиклиги”, В.Қ.Қобуловнинг алгоритмлар назарияси, Т. Ширинқуловнинг пойдеворлар асослари назарияси, “О.М. Акрамхўжаевнинг нефт-газ пайдо бўлиш назарияси”, “С.Ю. Юнусов алколондлари”, “С.А. Азимов – Ғ.Е.Умаров гелиоцентрик принципи”, “Ризамат ота агробиологияси”, “Уста Ширин нақшлари” ва яна бир қанча олимларимиз ғояларини ўқув дарсликларига киритишни кенг кўламда амалга ошириш – миллий илмий ғояларимизни тарғиб қилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу миллий мафкураимизнинг табиий фанларни

Ўқитишдаги дарсликлар мазмунида акс этишига оид олдимизда бир қанча ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар турганлигидан далолат беради. Ўқув фанлари ва дарсликлар мазмунида ушбу муаммо эса ўз навбатида уларни амалга оширишнинг методологиясини яратишни тақозо қилади. Бизнингча бу методологиянинг асосида миллий ғоямизнинг илмдаги муҳим вазифаларини тарғиб қилиш масаласи, шакли ва усулини тўғри танлаш ётади. Бу тарғибот усулини тахминан икки шаклда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Дарсликларга буюк алломаларимиз илмий ғояларини киритиш;

2. Дафтарлар муқовасида (4 саҳифа) ги бўш турган қисмида буюк аждодларимиз суратлари (ҳозирги ахлоқсиз суратлар ўрнига) ва ибратли фикрларни бериб бориш.

Бу билан Республикамиз таълим тизимидаги дафтарлар муқоваси орқали 80 минг саҳифадан иборат кўшимча миллий илмимиз ҳақидаги ғояларнинг ўқув жараёнига бевосита тадбиқ этишимизга эришилади. Ана шундай ишларни сидқидилдан бажаргандагина миллий илмий ғояларимизни ёшлар онгига сингдиришдек масъулиятли ишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Маърузада сўз юритилган тарғибот усули ва шакллари батафсил баён қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат”., Тошкент: “Ўзбекистон”.,1992 йил.

2. “Ma’naviyat va ma’rifat ilmiy dasturining kontsepsiyasi. O’zbekiston Respublikasi Fan va texnika davlat komiteti”. Т., 1999 yil.

3. Safo Ochil. “Mustaqillik ma’naviyati va tarbiya asoslari”., Т.: “O’qituvchi”., 1995 yil.

Реферат

по работе Усмонова Низамиддина Утаевича.

по теме: «Методологические возможности подготовки пропаганды национальной идеологии будущих специалистов».

В статье рассматриваются вопросы о методологических возможностях пропаганды национальной идеологии, связанных с достижениями науки прошлого и настоящего и о технологических формах их привития в сознание молодёжи.

Список использованной литературы – 3 названий.

Сведения об авторах

Усмонова Низамиддина Утаевича - доцента кафедры БТУ Джизакского Госпединститута.

Адрес: 708000, Г.Джизак, Микрорайон 3/1. дом № 27, кв. № 15 Тел.: (372) 224-53-02.

The abstract

On job Усмонова Низамиддина Утаевича.

Till a theme: " Methodological opportunities of preparation of propagation national we go of the future experts ".

In clause рассматриваются questions on methodological opportunities of propagation national идеологии, связанных with достижениями of a science of the past and present and about технологических the forms of their inculcation in consciousness of youth.

List of the used literature - 3 names.

The items of information on the authors

Усмонова Низамиддина Утаевича - senior lecturer faculty БТУ DZHIZAK Госпединститута.

Address: 708000, Г.DZHIZAK, Microarea 3/1. houses № 27, sq. № 15 Ph.: (372) 224-53-02.